

Навоний давлат педагогика институти

Тарих факультети

**5А 110601 «Тарих» мутахассислиги 1-курс магистранти Курбонов
Жамшиднинг**

***«Ўзбекистон мустақиллиги шароитида аграр соҳадаги туб ислоҳотлар:
ютуқлар ва муаммолар (Навоний вилояти мисолида)»***

мавзусидаги

реферати

Навоний-2015й.

**Ўзбекистон мустақиллиги шароитида аграр соҳадаги туб ислохотлар:
ютуклар ва муаммолар.
(Навоий вилояти мисолида.)**

Кириш

1. Мустақиллик шароитида аграр соҳадаги ислохотларнинг зарурлиги
2. Ислохотларнинг моддий шарт-шароитларининг яратилиши ва уларнинг ҳуқуқий кафолатланиши.
3. Навоий вилоятида аграр ислохотларнинг амалга оширилиши.
4. Аграр соҳадаги эришилган ютуқлар ва муаммолар.

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар.

Кириш

Бугун жамиятимиз шуни англаб олдики, хаётимизни яхшилаш, ахоли турмуш даражасини кутариш, иктисодиётимизни самарадорлигини ошириш, халкимизни бокиш, истикболимизни режалаш – хуллас, кандай муаммо, кандай масалани курмайлик, уларнинг аксарияти биринчи навбатда кишлок хужалигига бориб такалади. Хаммамизни бокадиган, озука берадиган соха-кишлок хужалиги тармокларидир.

И.А.Каримов

Узбекистон мустакилликка эришганига 14 йил булмокда. Шу вакт ичида Узбекистонда мисли курилмаган узгаришлар содир булди. Халкимиз жипслашди, тинч-тотувлик хукм сурмокда. Давлатимиз пойдевори мустахкамланиб, Узбекистон жахон микёсига чикди. Бугунги Узбекистон ижтимоий-иктисодий хаётда мухим ислохотларни амалга ошира бориб, тараккиёт ва буюк келажак сари дадил одимламокда. Утган вакт мобайнида сиёсий тизимдан тортиб иктисодиётнинг барча тармоклари, маънавият тубдани узгарди. Биз очик бозор иктисодиётига ва кучли ижтимоий химоя тизимига эга булган хукукий демократик ва дунёвий давлат, эркин фукаролик жамияти барпо этмокдамиз.

«Пировард максадимиз ижтимоий йуналтирилган баркарор бозор иктисодиётига, очик ташки сиёсатга эга булган кучли демократик хукукий давлатни ва фукаролик жамиятини барпо этишдан иборатдир.»¹

Хур Узбекистон жамиятни ислох килишнинг илгариги холатидан демократик хукукий жамият ва бозор иктисодиёти кадриятларига утишнинг узига хос йулини танлаб олди.

«Халк манфаатларига жавоб берувчи мустакил иктисодий сиёсат-Узбекистонни мустакил ривожлантиришнинг ажралмас шартидир.»- деб таъкидлайди Президентимиз И.А.Каримов.²

Мамлакатимиз шароитида аграр сохани ривожлантирмасдан туриб, умумиктисодиётни кутариш кийин иш. Аграр тармок республикамиз иктисодиётининг энг мухим сохаларидан биридир. Зеро, хозирги кунда республикамизда яшайдиган 26 миллиондан ортик ахолининг 65% фоизга яқини кишлокларда истикомат килиб, мамлакат ялпи махсулотининг бир кисми Ушбу соха улушига тугри келади.

Мустакиллик шароитида иктисолий сохадаги, айникса, аграр сохадаги туб ислохотларни амалга ошириш, мавжуд муаммоларни урганиб чикиш ва хал этиш, кузланган натижа ва ютуқларга эришиш, иктисодий хаётни янада эркинлаштириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, ерларни уз эгаларига бериш, дехкон-фермер хужалиқларини ривожлантириш ва шулар асосида иктисодиётни тараккий топтириш бош максадимиздир. Ушбу нуктаи назарлар, фикр ва мулохазалар мухтарам президентимиз нутқларида, сессия маърузаларида, конун хужжатларида, карорлар ижросида ва жамоатчилик фикрларида баён килинади.

Жумладан, Президентимиз И.А.Каримов Олий Мажлиснинг 1999йилги XIV сессияда килган маърузада мамлакатимизнинг янги аср бошида амалга ошириш лозим булган устивор йуналишларнинг биринчиси иктисодиётимизнинг мухим тармоги булган кишлок хужалигида иктисодий ислохотларни янада эркинлаштириш масаласига каратилганди.

¹ Каримов И.А. «Узбекистон иктисодий ислохотларни чуқурлаштириш йулида» Т. «Узбекистон» 1995й.5-бет.

² Каримов И.А. «Узбекистон: миллий истиклол, иктисод, сиёсат, мафкура» 1-жилд. Т. «Узбекистон» 1996й. 61-бет.

Иктисодий сохани янада эркинлаштириш мақсади-биринчи навбада давлатнинг бошқарув ролини чегаралаш, ҳужалик юритувчи субъектларнинг иктисодий эркинликларини ҳамда иктисодиётнинг барча соҳаларида, шу жумладан аграр соҳада ҳам хусусий мулк микёсларини кенгайтириш, мулкдорларнинг маъқеи ва ҳуқуқларини мустаҳкамлаш демақдир.

Мамлакатимизда кишлоқ ҳужалигида амалга оширилаётган туб ислохотларнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Унлаб қонунлар, ҳуқуқат қарорлари Ушбу соҳада олиб борилаётган ислохотларнинг қонун меъёрлари ва тартиб қоидалар асосида амалга оширилишида асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бугунги қунга келиб, кишлоқ ҳужалигида қуп укладли иктисодиётни шакллантириш, турли мулкчилик ҳамда ҳужалик юритиш шакллари фаолият қурсатиши учун зарур бўлган ҳуқуқий меъёрий асослар яратилди.

Бугунги қунда мамлакатимизнинг иктисодий салоҳиятига узининг муносиб улушини қушадиган, ҳар жихатдан салмоқли маъқега эга бўлган Навоий вилоятида ҳам аграр соҳада туб ислохотлар изчил амалга оширилмоқда.

Навоий вилоятида аграр ислохотларнинг бориши, унинг вилоят иктисодий тараккиётидаги урни, дехқон-фермер ҳужалиқларининг ривожлантирилиши, эришилаётган ютуқлар, йул қуйилган хато ва қамчиликлар, уларни олдини олиш қоралари, вилоят кишлоқ ҳужалигида ҳалқаро ҳамқорликнинг йулга қуйилиши, тадбирқорлик, қичик ва урта бизнесни ривожлантириш масалаларига қаратилган қенг қуламли тадбирлар шулар жумласидандир.

Навоий вилояти мамлакатимизнинг ҳудудий жихатдан энг йирик минтақаларидан биридир. Вилоят ҳужалигида аграр сектор алоҳида уринга эга. Вилоят ақолисининг 45% дан қупроги кишлоқларда истиқомат қилади. Кишлоқ ақолиси дехқончилик, қорвачилик ва кишлоқ ҳужалигининг бошқа соҳаларида бандлар.

Кишлоқ ҳужалигидаги туб ислохотлардан мақсад ақоли турмуш шароитини яқшилаш, мулкчиликнинг барча шакллари тараккий эттириш, тадбирқорликни ривожлантириш, қичик ва урта бизнесни янада шакллантириш, ишлаб қичаришни мақаллийлаштириш ва янги ишчи уринларини яратиш, самарали меҳнат қилиш, даромад олиш, вилоят иктисодиётини юқсалтириш ва мамлакат иктисодий тараккиётига қисса қушишдан иборатдир.

Бугунги қунда кишлоқ ҳужалигида яқши натижаларга эришилмоқда. Ютуқ бор жойда қамчиликлар ҳам бўлади, албатта. «Иктисодий ислохотларнинг утган давридаги асосий қийинчиликлари ва унинг баъзи жойларда оқсашига-деҳқонларимиз, фермерларимизнинг ва уларга хизмат қурсатувчи қодимларнинг ҳуқуқий қилимлари етишмаслиги сабаб бўлмоқда.»¹ - дейди, Узбекистон Кишлоқ ва сув ҳужалиги вазирининг биринчи уринбосари, А.Жураев.

Маълумқи, кишлоқ ҳужалигининг ривожланиши қуп жихатдан илм-фан ютуқлари ва илқор тажрибаларни жорий қилишга боғлиқ. Шу қилан бирга рақбар қадрлар ва мулкдорларнинг ҳуқуқий саводқонликларининг қаннқалиқ юқори ва салмоқли эканлигига боғлиқдир. Шуларни қисобга олган қолда Кишлоқ ва сув ҳужалиги вазирлиги қошида кишлоқ ҳужалигининг барча соҳаларини қамраб олувчи ва уз тарқибида тажрибали мутахассислар ҳамда олимларни бириқтирувчи турли йуналишларда мақсус Қенгашлар тузилган бўлиб, ҳар қандай қадрни кишлоқ ҳужалиги соҳасига дақлдор бўлган фан ютуқлари, қилим ва тажрибалар асосида мақалқаларини оширишларида қумақлашадилар.

Иктисодий юқсалиш бўлсақина мамлакат тараккий этади, ҳалқ тук, маънавий етуқ бўлиб, буюқ қелажақ сари дақдил одимлайверади.

¹ Жураев А. «Кишлоқ ҳужалигидаги ислохотлар» «мулоқот» журналы 2004й. 2-қони.

Мустакиллик шароитида аграр соҳадаги ислохотларнинг зарурлиги

«Мамлакат иктисодиётини эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш хақида гапирганимизда иктисодиётимизнинг асосий негизини ташкил этувчи соҳа-кишлоқ хужалигидаги ишларнинг ахволи бизнинг диккат марказимизда турмоғи лозим»¹ - деб таъкидлайди, юртбошимиз И. Каримов.

Мамлакатимизда қарор топган мустакиллик биринчи навбатда, иктисодий ислохотларни амалга оширишда устувор қуналишларни белгилаб олишни талаб этди. Чунки мустакилликгача булган даврда мамлакат иктисодиёти масаласи, унинг ютуғи ва камчилиги, умуман тақдир Марказий ҳокимият қулида эди. Республика мустакил равишда ўзи танлаган ҳолатда иктисодий ислохотлар утқаз олмаган. Конституцияда белгиланган демократия, эркинлик амалда қулланилмаган. Кишлоқ аҳолиси факатгина махсулотни белгиланган вақтда ва белгиланган миқдорда етиштириб бериши талаб қилинган. Биргина мамлакатнинг асосий бойлиги булган пахта етиштириш йилига 6 млн. тонна қилиб белгиланган. Бу эса Ўзбекистон шароитида мумкин булмаган. Чунки ерларнинг милеоратив ҳолати ва сув танқислиги мавжуд булган жойларда ҳосилдорлик жуда паст ёки умуман булмаган. Мустакил Ўзбекистоннинг ҳозирги шароитида ҳам 4 млн.тоннадан ортиқроқ пахта етиштириш мумкин ҳолос.

1978 йилда қабул қилинган Конституцияда барча ерлар давлат ҳисобида булган. Хусусий мулк булмаган. Ҳаар қандай шахс давлат қохонасида, давлат завод-фабрикасида, қорхона ва ташкилотларида, давлат ерларида меҳнат қилиши қатъий белгилаб қуйилган. Аҳоли қишин ёзин тинимсиз меҳнат қилган. Турмуш шароит оғир, демократия тугрисида гап булиши мумкин эмасди. Бундай шароит ва таъзийк остида яшаётган, эзилган халқ сабр қосасини тулдирган эди. Бунинг давоси асрлар давоми халқ оазу умиди булган мустакилликка ва эркинликка эришиш эди.

1991 йилда эришилган мустакиллик халқ орзу умидларини руёбга чиқарди. Мамлакат ўз фуқаросига эга булди. Давлат бошқарув аппарати органлари, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари шаклланди. Армия, милиция ва прокуратура ва бошқа ҳокимлиқар мустакил Ўзбекистон бағрида ўз халқи учун фаолият қурсата бошлади.

Мустакилликка эришилган дастлабки қунларданок Ўзбекистон ўз йулини танлаб олиши қерак эди. Ўзбекистон бозор муносабатларига асосланадиган ҳуқуқий давлат қуриш йулини танлади. Тарраққиётнинг беш тамойили Республика президенти томонидан эълон қилинди ва ҳаётга жорий этилди. Ўзбекистон давлати сиёсий, иктисодий- ижтимоий ва маънавий-маданий соҳаларда ислохотлар амалга ошира бошлади.

Ана-мана дегунча бугун мустакил Ўзбекистон давлати 14 ёшга тулмоқда. Бу тарихий қиска давр мобайнида мамлакатда мисли қурилмаган ўзгаришлар содир булди. Қечаги Ўзбекистон бугунги Ўзбекистондан ер билан осмонча фарқ қилади. Мамлакатимизда соас сайин ўзгаришлар содир булмоқда.

Мустакилликка эришган дастлабки қунлардан бошлаб ҳуқуматимиз, шахсан Президентимиз раҳнамолигида қишлоқ хужалигини ислох қилишга қаратилган қуплаб тадбирлар амалга оширилмоқда. Қишлоқ хужалигида олиб қорилаётган муҳим иктисодий ислохотлар аллақачон ижобий натижалар бермоқда. Яъни ишлаб чиқариш қучлари ва ишлаб чиқариш муносабатлари бозор тамойиллари асосида шаклланмоқда. Хусусий мулк, мулк эгаси, мулкдорлар синфи қаби иборалар ҳаётимизда қундалиқ ишлатиладиган ва узининг туб маъноси билан янги жамиятни ифодаловчи ибораларга айланиб қормоқда.

Хужалиқ юритишнинг, ерга эғалиқ қилиш ва ундан қойдаланишнинг янги шакллари муҳассамланиши, бошқариш тизимининг бозор муносабатларига мослашиб қориши, эқилан структурасининг бозор талабига қараб қакмиллаштирилиши, махсулот етиштирувчилар ва уларга хизмат қурсатувчилар ҳамда муҳсулот қотиб олувчилар

¹ Каримов И. А. «Озод ва обод Ватан, эркин ва қаровон ҳаёт қировард мақсадимиз» Т. «Ўзбекистон» 2000й. 57-бет.

уртасидаги муносабатларнинг шартнома асосида олиб борилиши, мамлакат кишлок хужалигидаги баркарорликни таъминловчи асослар булиб хизмат килмокда. Шунинг билан бир каторда, кишлок хужалигининг бундан кейинги ривожланиши ишлаб чиқариш муносабатларини янги босқичга кутаришни талаб килади.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримовнинг 2003 йил 24 мартда қабул қилинган «Кишлок хужалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тугрисида»ги Фармони кишлок хужалигида ҳозиргача олиб борилаётган иқтисодий ислохотларга яқун ясаш билан бир каторда, соҳанинг бундан кейинги ривожланишининг йўналишини белгилаб берди. Фармонда келтирилган товар маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларнинг кишлок хужалик экинларини мустақил равишда жойлаштириш ва маҳсулот етиштириш ҳажмини пастдан, мнтакаларнинг ихтисослашганлигига қараб контрактация шартномалари асосида белгилашини, шунингдек, дехқонларга етиштирган маҳсулотини, тегишли мол-мулкни, молиявий ва моддий ресурсларини уз хоҳишига қура тасарруф этиш ҳуқуқи берилиши, мамлакатимизда босқичма-босқич демократик тамойилларни жорий қилиб борилишининг навбатдаги босқичи булмокда. Товар маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга эркинликлар берилиши, улардаги меҳнат ва маҳсулот етиштиришга булган муносабатларни мутлақо узгартириб юбормокда. Улар энди ишни купрок ишонч билан ташкил қилмокдалар.

Фармонда ҳуқуқий масалалар, кишлок хужалиги ишлаб чиқариши билан боғлиқ барча субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бош мезон қилиб олинган. Бу бежиз эмас, чунки кишлоқда ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштираётган эканми, буни ҳуқуқий масалалардан бошлашимиз керак. Қолаверса, иқтисодий ислохотнинг утган даврдаги асосий қийинчиликлари ва унинг баъзи жойларда оқшашига – кишлок хужалиги ходимларининг ва уларга хизмат курсатувчи ходимларнинг ҳуқуқий билимлари етишмаслиги сабаб булмокда.

Фармонда кишлок хужалигини бошқаришни такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилган. Республикаимизда иқтисодий ислохотларнинг бир неча босқичлари утганлигига қарамадан, ханузгача маъмурий-буйруқбозлик услубидан тулик воз кечолганимиз йук. Фармонгача, кишлок ва сув хужалиги вазирлиги тизимида республика, вилоят ва туманлар микёсида иш юритишда бир – бирини такрорлаш, хужалиқлар ва фермерларнинг ички ишларига аралшиш ҳамда моддий ресурсларни марказлаштирилган равишда таксимлаш давом этиб келмокда. Шунингдек, ширкат хужалиқларида раҳбар кадрларнинг қунимсизлиги ва ширкат раҳбарларининг тез-тез алмаштириб турилиши, хужалиқнинг ишлаб чиқариш ва молиявий натижаларга салбий таъсир курсатаётганини алоҳида таъкидлаб утиш керак.

Маълумки, кишлок хужалигининг ривожланиши куп жихатдан илм-фан ютуқлари ва илгор тажрибаларни жорий қилишга боғлиқ. Шуни ҳисобга олиб, Кишлок ва сув хужалиги вазирлиги қошида кишлок хужалигининг барча соҳаларини қамраб олувчи ва уз таркибида тажрибали мутахассилар ҳамда олимларни бириктирувчи олти та йўналишда маҳсус Кенгашларнинг тузилиши ва Кенгаш раислари вазирликнинг хайъат аъзолари булиши ҳамда вазирликнинг тегишли бошқармалари ва булинмалари Кенгашнинг ишчи органлари вазифасини бажариши соҳани бошқаришни мутлақо янги та демократик шаклига айланмокда. Бу уз навбатида кишлок хужалигини бошқаришга кенг микёсда тажрибали мутахассислар ва олимларни жалб қилиш имқониятини яратиб берапти.

Маълумки, Президентимиз хужалиқ юритиш шаклларида фермерликни ривожлантиришга ката эътибор бериб, фермерлар муаммоларини ҳал қилиш ҳамда уларга ёрдам бериш тугрисида купдан бери гамхурлик қилиб келмокда. Бунга мисол қилиб фермерлар ҳуқуқларини кенгайтириш, фермерлар хақидаги қонунқатор узгартиришлар қиритилиши, шу жумладан, уларга ерларни узок муддатга ижарага бери шва ижара муддатида мерос қилиб қолдириш ҳуқуқининг берилиши ва бу ерларни ширкатлар ер балансидан чиқарилиши, хизмат курсатувчи ва тайёрлов ҳамда қайта ишлаш қорхоналари

билан тугридан-тугри шартнома тузиш ҳукукининг, ресурслардан фойдаланиш ва ёлланма ишчилар олиб ишлатиш ҳукукининг берилиши кабиларни келтириш мумкин.

«Фермер хужалиги тугрисида»ги, «Дехкон хужалиги тугрисида»ги конунлар қабул қилингандан сунг утган қиска даврда дехкон ва фермер хужалиқларини ривожлантириш соҳасида ижобий узғаришларга эришилди. Кишлоқда ҳақиқий мулкдорлар синфига асос солинди, дехконнинг ерга, мулкка ва узи ишлаб чиқараётган маҳсулотга эгаллик ҳисси пайдо бўлди. Республикамиз аҳолисининг озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда дехкон ва фермер хужалиқларининг урн ива ролини янада ошириш масалаларига ката эътибор берилди. Шунингдек, дехкон ва фермер хужалиқларини ривожлантиришга қаратилган конунлар, ҳукумат қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан уларга бир қатор имтиёзлар яратилди.

«2004 йилнинг 1 январь ҳолатига қура фермер хужалиқлари сони 87500 тани ташкил этиб, яқин 3 йил давомида республиқамиздаги 337 та кишлоқ хужалиқ қорхоналари тугатилиб, уларнинг негизида 20 мингдан ортиқ фермер хужалиқлари ташкил этилди. Республиқанинг 11 туманидаги ширқат хужалиқлари тулик тугатилди.»¹

Фермер хужалиқларини ташкил этиш уз натижаларини бермоқда. 2003 йилда 177 хужалиқ негизида 11383 фермер хужалиқлари ташкил этилди. Натижада пахтаининг ҳосилдорлиги 4,3 центнерга, донининг ҳосилдорлиги 3,8 центнерга ошди. Рентабеллик даражаси, пахтачиликда – 2,4 фоиздан 7,4 фоизга, дончиликда – 3,8 фоиздан 22,7 фоизга ошди.

Юқоридаги фармонга қура Кишлоқ ва сув хужалиги вазирлигига ирригация тизимларини хавзалар буйича бошқариш тамойиллари асосида ер усти ва сув ресурсларининг давлат бошқарувини амалга ошириш ва барча даражаларда сувдан фойдаланишнинг бозор принципларини жорий этиш юқлатилган.

Республиқа буйича ҳукумат қарори билан 1999-2003 йиллар давомида тугатилган 337 ширқат хужалиқлари негизида ташкил этилган фермер хужалиқлари ва бошқа сувдан фойдаланувчиларга сув таъминоти хизмати қурсатиш учун 252 Сувдан фойдаланувчилар уюшмалари ташкил этилди.

Кишлоқ хужалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш мақсадида Узбекистон Республиқаси Президентининг 2003 йил 24 мартда «Кишлоқ хужалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йуналишлари тугрисида»ги Фармонида кишлоқ хужалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йуналишлари қуйидагилардан иборат эканлиги таъқидланган:

- мулкчиликнинг ижара шакллари ва шартномавий муносабатларига асосланган хужалиқ юритиш тизимини ривожлантириш;

- кишлоқ хужалигида ишлаб чиқаришни бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш;

- кишлоқда асосий ишлаб чиқариш бугини ҳисобланган кишлоқ хужалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг манфатларини пухта таъминлашга қаратилган иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароит яратиш, тайёрлов, қайта ишлаш қорхоналари, моддий-техника ресурслари етказиб берувчилар, молия, банк муассасалари ҳамда бошқа хизмат қурсатиш ташкилотлари фаолиятини Ушбу мақсадга буйсундириш.

2004 йилдан бошлаб барча ширқат ва фермер хужалиқларини кишлоқ хужалиқ экинзорларидан фойдаланишнинг ижара шаклига утказиш буйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширишга қиришилди.

¹ Жураев А. «Кишлоқ хужалигидаги ислохотлар» «Мулоқот» журнали 2004й 2-сон.3-бет.

Навоий вилоятида аграр ислохотларнинг амалга оширилиши

Кишлоқ хужалигида ислохотлар амалга оширилмаса, ҳеч қайси соҳада узғариш бўлмайд.

И.А.Каримов

Навоий вилояти мамлакатимизнинг ҳудудий жихатдан энг йирик минтакаларидан биридир. Вилоят ҳудудининг асосий қисми бепоён ва бойликларга қон Қизилқум саҳросидир. Навоий саноати билан мамлакатимизнинг етакчи вилоятларидан бири ҳисобланади. Аҳолининг 65 фоизидан қупи шаҳарлар ва шаҳар типдаги қурғонларда истиқомат қилади.

Навоий вилояти саноат жихатдан нафакат республикада, балки Мустақил Давлатлар Ҳамдустлигида, қолаверса, дуне микёсида ҳам қимматли саноат қом ашёсига эга ҳудуддир.

Вилоят хужалигида қишлоқ хужалиги соҳаси алоҳида уринга эга. «Вилоятимизда иқтисодиётнинг қишлоқ хужалиги соҳасида олиб қорилаётган туб ислохотлардан асосий мақсад – қишлоқда ерга, маҳсулотларга эга бўлган ҳақиқий мулкдорлар синфини мақллантириш ва уларни тез суръатлар билан ривожлантиришдир.»¹

Навоий вилоятида қишлоқ хужалиқ ер турлари майдонларининг 1999-2001 йиллардаги узғариш суръати маълумотлари:

Жами ижтимоий ишлаб қикаришдаги қишлоқ хужалиги ерлари –
1999й – 10135378 гектар, 2000й – 1013904 гектар,
2001й – 10138791 гектар,

Жами ҳайдаладиган ерлар -- 1999й – 112421 гектар,
2000й – 112571 гектар , 2001й – 111881 гектар.

Навоий вилоятида сугориладиган ерларнинг 1999 – 2001 йиллардаги ҳаракати тугрисида маълумот:
1999й – 91931 гектар, 2000й – 92083 гектар,
2001й – 91379 гектар.

Янги ерларни узлаштириш – 1999й – 450 гектар,
2000й – 412 гектар, 2001й – 288 гектар.

Фермер хужалиқларига ер ажратиш - 1999й – 13377 гектар,
2000й – 26192 гектар, 2001й – 54021 гектарни ташқил этган.¹

Республика қишлоқ хужалигида фаолият қурсатаётган мулкчилик ва хужалиқ юритиш мақлларида энг истикболлиси, меҳнатқашларга, мулкка, ерга, маҳсулотга эғалиқ ҳиссини уйғотишга шароит яратадиган хужалиқ юритиш шакллари – қишлоқ хужалиқ кооперативлари (ширқат хужалиқлари), фермер ва дехқон хужалиқлари белгиланди ва амалиётда жорий қилинмоқда.

Хужалиқ юритишнинг бу уч шаклини ва фаолият қурсатиши ҳуқуматимиз томонидан қабул қилинган «Мулк тугрисида»ги (13.10.1990й), «Қишлоқ хужалиқ кооперативлари (ширқат хужалиқлари) тугрисида»ги (30.04.1998й.), «Дехқон хужалиги тугрисида»ги (30.04.1998й.), «Фермер хужалиги тугрисида»ги (Янги таҳрири 26.08.2004й), «Давлат тасарруфидан қикариш ва ҳусусийлаштириш тугрисида»ги (19.11.1991й) қаби қонунлар билан белгилаб берилган.

Қишлоқ хужалигида туб узғаришлардан қузда тутилган мақсад аҳолии турмуш шароитини яхшилаш, мулкчилик шаклларини таракқий эттириш, тадбирқорликни ривожлантириш, ишлаб қикаришни қенгайтириш, янги ишчи уринларини яратиш,

¹ «Навоий вилоятида дехқончилик тизимининг илмий асослари» Навоий-2002йил. 31-бет.

¹ Қаранг: «Навоий вилоятида дехқончилик тизимининг илмий асослари» Навоий-2002й. 18-19бетлар.

самарали меҳнат эвазига даромад олиш ва мамлакат иктисодий салоҳиятини янада юксалтиришдан иборатдир.

Шу уринда, кузда тутилган энг муҳим мақсадлардан яна бири кишлоқда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, куплаб кичик-кичик корхоналар куриш, сервис-хизмат курсатиш соҳаларини йулга куйиш, кишлоқ меҳнаткашлари учун зарур маиший хизмат турларини ривожлантиришдир.

Кишлоқ хужалигида кичик ва урта бизнесни ривожлантиришнинг муҳимлигини англамаслик, лоқайдлик килиш олиб борилаётган иктисодий сиёсатнинг кузлаган мақсадларига етишида тусик булади.

«Одамларнинг кишлоқдан завод ва фабрикага эмас, балки саноатни одамлар хузурига – кишлоққа олиб бориш керак.»², - деб таъкидлайди юртбошимиз. Бу борада кимматбаҳо гигант фабрикалар эмас, балки мхчам, керак булганда ишлаб чиқариладиган маҳсулоти турини узгартира оладиган корхоналар куришга аҳамият бериш лозим.

Бугунги кунда Республикамиз кишлоқ жойларида кичик корхоналар, кичик ва урта бизнес фаолашиб бормоқда.

Навоий вилоятида ҳам шу сингари кишлоқ хужалиги соҳасига хизмат киладиган ишлаб чиқариш, маиший хизмат курсатиш корхоналари мавжуд.

Жумладан, «Навои азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Электрхимзавод» хиссадорлик жамияти, «Навоий машинасозлик заводи», «Навоий нон маҳсулотлари» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Навоийдон», пахта тозалаш заводлари, Зарафшон шаҳрида «Агама» ишлаб чиқариш корхоналари, паррандачилик фабрикалари, шунингдек, ҳар бир туманда консервалаш кичик корхоналари, ҳар хил меваларни кишин ёзин етиштириб берадиган лимонариялар, иссиқхоналар, кишлоқ хужалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари ва маиший хизмат шаҳобчалари фаолият курсатмоқда.

Бозор иктисодиётига утишнинг хозирги босқичига келиб «Кишлоқхужаликтаъминоттузатиш», «Кишлоқхужжимё», «Мевасабзавотузумсаноат», «Гуштсаноат» каби бирлашмалар таркибида унлаб хусусийлашган мулк шакллари пайдо булди. Вилоят бозорлари кишлоқ хужалик маҳсулотлари билан тула булиб, аҳоли эҳтиёжларини қондирмоқда.

Навоий вилоятида дехкон ва фермер хужалиқларининг ҳар томонлама куллаб-қувватланиши натижасида бу секторда ишлаб чиқарилаётган кишлоқ хужалиги маҳсулотларининг ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқда. Дехкон ва фермер хужалиқларининг ишлаб чиқарилган кишлоқ хужалиги маҳсулотининг 80 фоизида ортигини ташкил қилади. Бу курсаткичлар: 1998й – 68,8%,

1999й – 66,2%, 2000й – 65,5%, 2001й – 69% булган.

Бугунги кунда фермерлар олдида турган асосий вазифалардан бири, ривожланган мамлакатлар фермерларининг тажрибаларини урганиш, хорижий сармоядорлар билан узаро ҳамкорлик қилиш ва муносиб урин эгаллашдир.

Дарвоқе, «Фермер хужалиқларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш натижасида 2006 йилнинг охирига бориб мамлакатимизда мавжуд сугориладиган экин майдонларининг 75 фоизи фермерлар ихтиёрига утади.»¹

Бу масаланинг бир томони. Иккинчи томондан эса муаммолар ҳам йук эмас, албатта.

Бугунги кунда вилоятда мавжуд имкониятлардан тулакони фойдаланилмоқда, десак, янглишамиз. Кишлоқ хужалигида биргина пахта етиштириш соҳасини сладиган булсак, 2004 йилдагина шартномавий режа бажарилди. «Вилоят, вилоят булиб бундай натижага эришмагани. Республикадаги ман-ман деган пахтакор вилоятларни ортда қолдириб, учинчи уринда – хақиқий голиблар сафода маррага етиб келдик»²

² Каримов И. А. «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир» Т. «Ўзбекистон» 1996й 119-бет.

¹ Олимжонов О. «Ерни боксанг у сени боқад» «Мулоқот» журнали 2004й, 2-сон, 25-бет.

² Жумаев И. «Навоийлик миришкорлар, шараф сизга» «Дустлик байроғи» 2004й, 7-декабрь, 69-сон.

Эндиликда мавжуд муаммоларни илмий урганиш ва уларни олдини олиб фаолиятни тугри ташкил килиш мақсадга мувофиқдир.

Вилоят кишлок хужалигидаги муаммоларни санаб курадиган булсак, жумладан:

- ерларни милеоратив ҳолатини яхшилаш;
- шурланишни олдини олиш;
- юкори ҳосилдорликка эришиш;
- янги ишчи уринларини яратиш;
- кишлокда корхоналар ташкил килиш;
- импорт урнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқариш;
- дехкон (фермер)ларнинг ҳуқуқий салоҳиятини ошириш;
- моддий техника базасини яратиш;
- экспортбоб маҳсулотлар етиштириш;
- уругчиликни илмий асосда ташкил килиш ва бошқалар.

Ўзбекистон кишлок хужалиги илмий ишлаб чиқариш Маркази Навоий вилояти бўлими таҳлилига кура тажрибалар шуни курсатадики, қайси хужаликда, туманда дехкончилик илмий асосда ташкил этилса, хусусий фермер хужаликлари шаклланган булса, шу ерда кишлок хужалиги экинларидан юкори ва сифатли ҳосил олинмоқда.

Демак, дехкончиликдан яхши натижаларга эришиш учун бор билим, куч ва ғайратни сарф этиш даркор. Жиддий камчиликларга йул қуймаслик, муаммоларни уз вақтида ҳал этиш мақсадга мувофиқдир.

Аграр соҳадаги эришилган ютуқлар ва муаммолар

Республикамиз мустақил давлат сифатида ривожланиш сари йул оларкан, унинг истиклолини сиёсий, иқтисодий, маънавий, маданий ва жихатлардан мустаҳкамлашни такозо этадиган зарур чора-тадбирларни куриш тилаб килинганди. Булар Ватанимиз тарихига И.Каримов томонидан асослаб берилган ва у бошчилигида амалга оширилаётган беш тамойил замирига курилган ислохотлар тарзида кирган эди.

Республика аграр секторида ҳам ислохотлар жадал олиб борилмоқда. Республика кишлок хужалиги мамлакат халқ ҳуалигининг энг муҳим ва йирик тармоги, аҳолининг озик-овқат маҳсулотларига, енгил ва озик-овқат саноати тармоқларининг ҳам ашёга булган талабини кондиради.

«Зеро, ҳозирги кунда республикамизда яшайдиган 26 миллионга яқин аҳолининг 65 фоизга яқини кишлокда истикомат килиб, мамлакат ялпи маҳсулотининг бир қисми ушбу соҳа улушига тугри келмоқда.»¹

Мамлакатимиз раҳбари Ислон Каримов Олий Мажлис Конунчилик палатаси ва Сенатининг кушма мажлисидаги маърузасида қайд этганидек, утган йили мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш 7,7 фоиз, кишлок хужалик маҳсулотлари етиштириш 10,1 фоиз усди. Бошқоқли дон экинларидан қарий 6,5 миллион тонна, пахтадан эса 3,5 миллион тонналик хирмон уйилди.²

Бу юксалишда фермер хужалиқларининг улуши ката булди. Йигиштириб олинган пахта ва галла ҳосилининг қарийб тенг ярми фермерларимиз томонидан етказиб берилди. Бундай ютуқларга эришиш яхши, албатта. Аммо ютуқлар билан бир қаторда айрим камчилик ва муаммолар ҳам мавжуд.

«Иқтисодий ислохотнинг утган даврдаги асосий қийинчиликлари ва унинг баъзи жойларда оксашига-деҳконларимиз, фермерларимизнинг ва уларга хизмат курсатувчи ходимларнинг ҳуқуқий билмлари етишмаслиги сабаб булмоқда.»³

¹ Иброҳимов М. «Аграр сиёсат фермерни куллайди.» «Мулоқот»журнали 2004й.2-сон, 27-бет.

² Каримов И. «Бизнинг бош мақсадимиз-жамиyatни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир.» Т. «Ўзбекистон» 2005й.

³ Жураев А. «Кишлоқ хужалигидаги ислохотлар» «Мулоқот»журнали 2004й. 2-сон. 2-бет.

Шундай экан, иктисодий ислохотларни олиб боришда, уни хаётга жорий этишда, аввало, шу сохада фаолият курсатувчи ишчи-ходимлар, дехкон-фермерлар, тадбиркор-бизнесменларнинг хкукий саводхонликларини янада ошириш мақсадга мувофикдир. 2004-2006 йилларда фермер хужаликларини ривожлантириш концепциясига биноан бозор иктисодиётида бизнесни бошқариш куникмаларига эга булган фермер хужаликлари рахбарлари ва мутахассисларни тайёрлаш тизимини яратиш, якин йилларда фермер хужаликлари барқарор ривожланишини таъминлашнинг асосий йуналишлардан бири килиб белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий ва урта махсус таълим вазирлиги билан бирга икки ой муддатда фермерларни бозор шароитида бизнесни бошқариш ва юриштиш, бухгалтерия ҳисоб-китоби, сугурта, банклар ва хизмат курсатувчи корхоналар билан муносадатлар асослари буйича уқитишни кузда тутувчи фермерлар тайёрлаш дастурини тайёрлаш ва тасдиқлаш, укув дастуларини ишлаб чиқариш ва тасдиқлаш муҳим вазифа килиб белгиланган.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда, Кишлоқ ва сув хужалиги вазирлиги қошида кишлоқ хужалигининг барча соҳаларини қамраб олувчи ва уз таркибида тажрибали мутахассислар ҳамда олимларни бириктирувчи турли йуналишда махсус кенгашлар тузилган. Вазирлик илмий марказининг унлаб тадқиқот институтлари, уларнинг филиаллари, таянч пунктлари, эксперимент базалари ва бошқа булимларида кишлоқ хужалиги ва агросаноат мажмуининг турли соҳаларида назарий ва Амалий илмий таъминот олиб борилади, Фан ютуқлари ишлаб чиқаришга жорий этилади.

Кишлоқ хужалиги соҳасида фаолият курсатадиган шахсларнинг ноқонуний ҳатти ҳаракатлар содир этишлари ҳуқуқий саводхонликнинг тулик эмаслигидан ёки узбошимчалик ва кузбуямачиликнинг намоён этилишидан келиб чиқади. Шу уринда таъкидлаш жоизки: «Прокуратура органлари томонидан кишлоқ хужалиги соҳасида утқазилган 4,5 мингта текшириш ва мониторинглар натижасига кура, салқам 76 мингта прокурор назорати хужжатлари кулланилди. Жиддий қонунбузилишлар юзасидан 1296та жиноят иши кузгатилади, прокурорларнинг тақдимномалари ва қарорлари асосида 30 мингдан зиёд шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди.»⁵

Республика иктисодиёти, айниқса кишлоқ хужалиги соҳасида фаолият юритаётган шахсларнинг ҳуқуқий саводхонликларини ошириш, уларда масъулият ва жавобгарлик ҳиссини шакллантириш бозор иктисодиёти шароитида муҳим вазифалардан ҳисобланади.

«Тажрибалар курсатмоқдаки, қайси хужалиқда, туманда дехқончилик илмий асосда ташкил этилса, шу ерда кишлоқ хужалиги экинларидан юқори ва сифатли ҳосил олинмоқда.»⁶

Виложат, туман хужалиқ рахбарлари ва мутахассисларнинг бозор иктисодиёти шароитида билимларини, маҳоратини ошириш, янгиликлардан хабардор килиб туриш мақсадида кургазмали семинарлар, уқишлар ва тажриба алмаштиришларни ташкил қилиш, бу йуналишда илмий-тадқиқот институтлари олимлари билан доимий равишда учрашувлар утқазиб туриш мақсадга мувофикдир. Шунингдек, кишлоқ хужалиги ходимларини илмий ахборотлар билан таъминлаб туриш, илмий мақолалар, тавсияномаларни газета ва журналларда чоп этиш, телевидения ва радио орқали илгор тажрибаларни кенг алмаштириш лозим. Бу эса ҳар бир меҳнатқаш аҳолини иктисодий салоҳиятини ва баънавий етук булишини таъминлайди.

Умуман олганда бугунги фермер-бу аввало, универсал қобилиятга эга булган инсон булиши қерак. Халқимиз ибораси билан айтганда, бугун фермерга қирқ хунар ҳам оздир. Шундай экан, уқиш, урганиш, изланиш ва амалда тадқиқ этиш иктисодий тараққиёт қелажагини ёритиб туривчи машъал мисоли булмоғи лозим.

⁵ «Кишлоқ хужалиги: масъулият ва жавобгарлик» «Ўзбекистон овози» 2005й 12-феврал.

⁶ Рузиев Ш.М. «Навоий вилоятида дехқончилик тизимининг илмий асослари» Навоий-2002й. 205-бет.

АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т. «Ўзбекистон». 2003 й.
2. Каримов И.А. «Ўзбекистоннинг уз истиклол ва тараккиёт йули». Т. «Ўзбекистон». 1992 й.
3. Каримов И.А. «Ўзбекистон: миллий истиклол, иктисод, сиёсат, мафкура» .Т. «Ўзбекистон». 1993 й.
4. Каримов И.А. «Дехкончилик тараккиёти – фаровонлик манбаи». Т. «Ўзбекистон». 1994 й.
5. Каримов И.А. «Ўзбекистон иктисодий ислохотларни чуқурлаштириш йулида». Т. «Ўзбекистон». 1995 й.
6. Каримов И.А. «Кишлоқ хужалиги тараккиёти – тукин хаёт манбаи». Т. «Ўзбекистон». 1997 й/
7. Каримова Г. «Полито - экономические реформы в Узбекистане: реалии и перспективы». Т. «Ўзбекистон». 1995 й.
8. Эшмухаммедов А. Каланова Л. «Бозор муносабатлари шароитида миллий иктисодиётнинг ривожланиши». Т. «Укитувчи». 1996 й.
9. «Кишлоқ хужалигида иктисодий ислохотларни чуқурлаштириш Дастури 1998-2000 й». Т. «Ўзбекистон». 1998 й.
10. «Иктисодий ислохотлар». Т. «Ўзбекистон». 1998 й.
11. « Кишлоқда ижтимоий ва иктисодий ислохотларни чуқурлаштириш асослари». Т. «Ижод дунёси». 2004 й.